

Онамни дуо қилинг, Аллоҳ шифо берсин!



18:14 / 21.05.2018 7303

Бир йигитнинг ҳасратли ҳикояси. Шу йилгача онам соғлом эди. Тўғрироғи мен шундай деб ўйлаган эканман. Чунки онам намозларни тик туриб адо қиладиган, рамазон рўзаларини, ҳатто нафл рўзаларни ҳам қийналмасдан тутадиган, нафл ибодатларни асло қилмайдиган мухлиса аёл эди. Мен ҳам намоз ўқийман, рўзаларни тутаман. Мен рамазон ойида ота-онам билан бирга саҳарлик қилишни, улар билан бирга ўтириб ифторлик қилишни ўзим учун унчалик муҳим санамас эдим. Тўғриси айтсам, уларнинг хизматини қилишга бироз бепарво эдим. Шунинг учун бўлса керак, саҳарлик ва ифторликда улар нима еб-ичаётганига ҳам эътибор қилмаганман. Ўзим эса саҳарлик вақти тугашига ўн дақиқа қолганда уйғониб, дастурхонда нима бор бўлса, шуни еб-ичиб оғиз ёпардим ва бомдодни ўқиб яна уйқуни давом эттираверар эдим.

Ота-онам билан бирга саҳарлик қилишимиз учун хотинимга “таом тайёрлаб бер” деб айтмаганман. Хотинимни аяйманми ёки ундан кўрқаманми билмадим?! Балки хотиним рўза тутмагани учун уни тонг саҳарлаб уйғотгим келмагандир. Эҳтимол ...

Фарзандларим ёки хотиним бетоб бўлиб қолса, дарҳол дўхтирга чопаман. Лекин онамни бирор марта дўхтирга олиб борганимни, унинг соғлиги учун тунлари бедор бўлиб қайғурганимни эслолмайман. Онам эса дўхтирга ўзи бориб кўринар эди. Индамагани учун бўлса керак, яхши экан деб хотиржам юраверибман. Аслида, уч-тўрт йил олдиноқ дўхтир онамга рўза тутишни тақиқлаган экан. Мусулмон бўла туриб рўза тутмасликни тасаввур қила олмаган онам қийналиб бўлса ҳам рўза тутаверибди. Дўхтир онамга пархезни буюрганини билар эдим. Лекин онамга нима мумкин, нима эса мумкин эмаслигини мен нотовон сўраб ҳам кўрмабман. Уйга бозорлик қилсам, ўзимга ёқадиган нарсаларни харид қилиб келаверар эдим. Хотиним нимани ёқтиришини биламану, лекин онам нималарни ёқтиришини билмайман.

Энди эса онамнинг бетоблиги ғолиб келиб, бу йилдан (2018) бошлаб рўзани тутолмаяпти. Намозларни ҳам деярли ўтириб ўқиётган экан.

Онам ҳажга олиб боришимни роса хоҳлар эди. Имконим бўла туриб, буни ҳам шу кунгача ортга суриб келдим. Ҳозирги кунга келиб узоқ сафар қилишга тоқат қилолмайдиган бўлиб қолди.

Бу йил ҳам рўза тутяпман. ...

Энди онамга саҳарлик ёки ифторлик қилиб беришимнинг фойдаси йўқ. Энди онам билан бирга саҳарлик қиладиган бўлсам, тонг саҳар онамни безовта қилган бўламан. Чунки онам рўза тутолмайди.

Афсусдаман, дуо қилинглари, Аллоҳ таоло онамга шифо берсин, онам билан бирга саҳарлик ва ифторлик қилай, онамга саҳарлик ва ифторлик таомларини ўз қўлларим билан едириб кўяй, илтимос дуо қилинглари!

Ҳа, азизлар, эҳтимол биз ҳам мазкур йигит каби бепарволикка йўқ кўяётган бўлишимиз мумкин. Ота-онамизни ғанимат билайлик. Умр ўтиб боряпти, ота-онамиз бизни кутиб туришмайди.